

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАМИДОВА ЗУЛФИЯ АХМАДЖОНОВНА**

**ҲУНАРМАНДЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИ ДАВЛАТ  
ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ  
РЕТРОСПЕКТИВ ВА ЗАМОНАВИЙ ЖИҲАТЛАРИ  
(Амир Темур даври мисолида)**

**08.00.15 – Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти  
08.00.01 – Иқтисодиёт назарияси (иқтисодиёт фанлари)**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Contents of dissertation the abstract Doctor of Philosophy (PhD)  
in economics sciences**

**Хамирова Зулфия Ахмаджоновна**

Хунармандчилик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-  
қувватлашнинг ретроспектив ва замонавий жиҳатлари (Амир Темур  
даври мисолида) ..... 3

**Хамирова Зульфия Ахмаджановна**

Ретроспективные и современные аспекты государственной  
поддержки ремесленнической деятельности (на примере эпохи  
Амира Темура) ..... 29

**Khamidova Zulfiya Akhmadjanovna**

Retrospective and modern aspects of state support for handicraft  
activities (on the example of the era of Amir Temur) ..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 60

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАМИДОВА ЗУЛФИЯ АХМАДЖОНОВНА**

**ҲУНАРМАНДЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИ ДАВЛАТ  
ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ  
РЕТРОСПЕКТИВ ВА ЗАМОНАВИЙ ЖИҲАТЛАРИ  
(Амир Темур даври мисолида)**

**08.00.15 – Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти  
08.00.01 – Иқтисодиёт назарияси (иқтисодиёт фанлари)**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Iqt558 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталаида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Гафуров Убайдулло Вахабович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Арипов Ойбек Абдулаевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

**Абдулаева Раъно Гафуровна**  
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги хузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2020.I.16.02 рақамли илмий кенгаш асосида бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_\_\_» соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-үй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 233-60-01; e-mail: [tsue@tsue.uz](mailto:tsue@tsue.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-үй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-28-72; e-mail: [tsue@tsue.uz](mailto:tsue@tsue.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2021 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси).

**М.П. Эшов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., доцент

**Б.Д. Хажиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

**Р.Р. Ҳасанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш кошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## **КИРИШ (докторлик диссертациясининг аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда глобаллашув жараёни чуқурлашиб ва иқтисодиётни диверсификациялаш кенгайиб бораётган шароитда ҳунармандчиликнинг тарихий асосларини ўрганиш, давлат томонидан кенг қўллаб-қувватлаш долзарб масалалардан бири ҳисобланиб, халқаро доирада бу масалага илмий ва амалий жиҳатдан ёндашув тубдан ўзгармоқда. «Инсониятнинг онгли ҳаётида ҳунарманд-чиликнинг пайдо бўлиши – бу цивилизация сари ташланган энг муҳим тарихий қадам, десак, ҳақиқатни айтган бўламиз»<sup>1</sup>. ЮНЕСКО билан ҳамкорликда фаолият юритаётган Жаҳон ҳунармандлар кенгаши (World Craft Council)нинг Европа, Осиё, Шимолий Америка, Лотин Америкаси ва Африка минтақаларидаги ҳунармандчилик қадриятларини тиклаш ҳамда тарғиб қилиши натижасида «...жаҳон миқёсида ҳунармандчилик маҳсулотлари экспорти АҚШда 31,4 фоизни, БААда – 7,8, Буюк Британияда – 6,6, Германияда – 5,0, Нидерландияда – 3,8, Францияда – 3,6, Италияда 2,1 фоизни ташкил этган»<sup>2</sup>. Бу, ўз навбатида, халқаро даражада миллий ҳунармандчилик фаолияти ва уни ривожлантиришнинг тарихий анъаналарини тиклаш борасида кенг миқёсли ишлар олиб борилаётганлигини қўрсатмоқда.

Жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви, рақобат даражаси ошиши ҳамда ишлаб чиқариш диверсификациясининг кучайиши таъсирида ҳунармандчилик соҳасининг имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш, жумладан, аҳолининг халқ амалий санъати маҳсулотларига эҳтиёжларини қондириш, аҳоли бандлиги ва даромадлари даражасини ошириш, ўрта мулқдорлар қатламини кенгайтириш, халқаро ва ички туризмни ривожлантириш, ёшларни ижтимоий меҳнаттга жалб этиш, халқ амалий санъатининг унутилган, ноёб кўринишларини қайта тиклашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида ҳунармандчиликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ретроспектив жиҳатларини тадқиқ этиш, муайян турдаги товарларни ишлаб чиқаришда ҳунармандчилик элементларидан фойдаланиш, ҳар бир мамлакатнинг ишлаб чиқариш токсономиясида маданий, тарихий урфодатларни эътиборга олиб, ижодий ёндашиш, анъанавий ҳунармандчиликни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда унга талабни ошириш учун маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, ҳунармандчилик маҳсулотлари экспорт ҳажмини ошириш бўйича самарали чора-тадбирларни қўллаш масалалари илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишлари сифатида намоён бўлмоқда.

Янги Ўзбекистонда халқимизнинг узоқ йиллик, бой тарихий ва иқтисодий салоҳиятидан кенг фойдаланиш, жумладан, «миллий ҳунармандчилик, халқ бадиий ва амалий санъатини ривожлантириш, бу орқали халқимизнинг бой маданий мероси ва тарихий анъаналарини тўлиқ сақлаб қолиш, банд бўлмаган аҳолини, айниқса ёшлар, аёллар ва кам таъминланган оиласарни ҳунармандчиликка кенг жалб этиш орқали уларнинг иш билан бандлигини

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг биринчи Халқаро ҳунармандчилик фестивалининг тантанали очилиш маросимидағи нутки. 14.09.2019. – <https://president.uz/uz/lists/view/2863>

<sup>2</sup> Манба: <https://www.epch.in/policies/exportsofhandicrafts.htm>

таъминлаш»<sup>3</sup>га алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги вазифаларни самарали амалга ошириш ҳунармандчилик ривожланишининг ретроспектив жиҳатларини ўрганиш, унинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштиришга оид янги илмий тушунчаларни шакллантириш, соҳани давлат томонидан молиявий дастаклар асосида қўллаб-қувватлаш, ҳунармандчилик обьектларини ташкил этиш билан боғлиқ лойиҳаларни амалга оширишда молиявий кўмаклашиш, ҳунармандлар уюшмаси аъзоларини қўллаб-қувватлаш самарадорлигини ошириш, ёш ҳунармандларни рағбатлантириш, касбий маҳорат ва иқтисодий саводхонликни ошириш, соҳада рақамли иқтисодиёт имкониятларидан самарали фойдаланиш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилишини тақозо этади.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги ПФ-5242-сон «Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 3 октябрдаги ПФ-5841-сон «Ҳалқаро ҳунармандчилик фестивалини ўтказиб боришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 17 ноябрдаги ПҚ-3393-сон «Ҳунарманд» уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3451-сон «Хорижий давлатларда кўргазма тадбирларини ўтказиш учун мўлжалланган товарларни олиб чиқиш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4539-сон «Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлдаги 216-сон «Оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 27 ноябрдаги 960-сон «Ҳалқаро ҳунармандчилик фестивалини ўтказишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қиласди.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳукуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Амир Темур давридаги ижтимоий-иқтисодий сиёsat ва унинг устувор йўналишларини тадқиқ этишга бағишлиган Европа тилларида 700 дан, Шарқ тилларида эса 900 дан ортиқ асарлар мавжуд. Бу асарларда Амир Темур шахси ва салтанатининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётига турлича муносабат билдирилган.

Амир Темур даври ва унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга давлат сиёсатига оид кўплаб хорижлик олимлар, жумладан, N.Rowe, W.Davy, J.White,

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги карори. 2019 йил 28 ноябрь, ПҚ-4539-сон. – [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

W.Hunter, Ch.Stewart, E.Poe, A.Vambery, H.Lamb, R.Grousset, Р.Поль, В.Manz, X.Хукхем, M.Haider, Н.Тильман, М.Брион, M.Szuppe, K.Ashrafyan, Ж.Мороци, P.Wing, К.Гюрай, Z.Rajkai<sup>4</sup> сингари олимлар илмий изланишлар олиб борганлар.

Хунармандчиликнинг умумназарий асослари, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш масалалари хориж олимларидан А.Смит, Ф.Брокгауз, S.Battye, R.Sennet, A.Mignosa, P.Kotipalli, J.Frater, J.Ehmer, G.Campanaa, B.Cimattia, F.Melosia, F.Cominelli, J.Bennett, L.Jiang<sup>5</sup> ва бошқаларнинг илмий ишларида атрофлича таҳлил қилинган.

Ўзбекистонда Амир Темур ва унинг даврига бағишлиланган қатор илмий тадқиқотлар С.Тошкандий, Б.Аҳмедов, Т.Файзиев, И.Мўминов, Муҳаммад Али, Э.Азимов, А.Муҳаммаджонов, С.Сайдқосимов, А.Аҳмедов, Ш.Улжаева,

<sup>4</sup> Rowe N. Tamerlane: A Tragedy. As it is Acted at the New Theater in Little Lincoln's-Inn-Fields. By His Majesty's Servants. London. J. Tonson Printer. 1701. – 72 p.; Davy W., White J., Hunter W. Institutes Political and Military. (written by Timur) Oxford at the Clarendon Press, 1783. – 408 p.; Stewart Ch. The Mulfuzat Timury, or Autobiographical Memoirs of the Moghul Emperor Timur. Holborn (London). Oriental translation committee. 1830. – 165 p.; Poe E.A. Tamerlane va other poems. Boston. Calvin F.S. Thomas Printer. 1827. – 64 p.; A. Vambery. Travels in Central Asia being the account of a journey from Teheran across the Turkoman desert on the Eastern Shore of the Caspian to Khiva, Bokhara, and Samarcand. London. John Murray, Albemarle street. 1864. – 463 p.; Lamb H. Tamerlane The Earth Shaker. Great Britain. The Burlhigh Press. 1929. – 318 p.; Grousset R. L'Empire des steppes, Attila, Gengis-Khan, Tamerlan. – P.: Payot, 1938. – 620 p.; Поль Р.Ж. Тамерлан. – М.: Молодая Гвардия. 2007. – 172 стр.; Manz B.F. Temür and the Problem of a Conqueror's Legacy. Source: Journal of the Royal Asiatic Society, Third Series, Vol. 8, No. 1 (Apr., 1998), pp.21-41. Published by: Cambridge University Press on behalf of the Royal Asiatic Society of Great Britain and Ireland. Stable URL: <http://www.jstor.org/stable/25183464>; Хукхем X. Етти иқлим султони. – Т.: Адолат. 1999. – 320 бет.; Haider M. Timur's Methods of Administration. Proceedings of the Indian History Congress. Vol. 38 (1977), pp. 698-706. Published by: Indian History Congress. <https://www.jstor.org/stable/44139136> // Timur's religious policy. Proceedings of the Indian History Congress. Vol. 37 (1976), pp. 425-428. Published by: Indian History Congress. <https://www.jstor.org/stable/44139004>; Тильман Н. Тимур-завоеватель и исламский мир позднего средневековья. Ростов-на-Дону. Феникс. 1997. – 640 стр.; Брион М. Менким, Соҳибкорон – Жаҳонгир Темур. – Т.: Янги аср авлоди. 2014. – 572 б.; M. Szuppe. L'héritage timouride: Iran – Asie centrale – Inde, XVe-XVIIIe siècles. ¾.1997. <https://journals.openedition.org/asiecentrale/447>; Ashrafyan K.Z. Central Asia under Timur from 1370 to the early fifteenth century. 323-349 pp. <https://en.unesco.org/silkroad/knowledge-bank/central-asia-under-timur-1370-early-fifteenth-century>; Мароци Дж. Тамерлан: завоеватель мира. – 215 стр. [www.royallib.ru](http://www.royallib.ru/); Гюрай К. Отношения Эмира Тимура с Европой до и после битвы при Анкаре. Золотоординское обозрение. № 3. 2015. Университет Гази, Анкара, Турция. – 9 стр.; Rajkai Z. Japanese and Chinese research on the Timurid – Ming Chinese contacts.

<sup>5</sup> Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов, 1776. – 656 с. [https://www.gumer.info/bibliotek\\_Buks/Econom/smit/smit\\_1.pdf](https://www.gumer.info/bibliotek_Buks/Econom/smit/smit_1.pdf); Брокгауз А. Ефрон II. А Энциклопедический словарь. в 86 томах I. Сшил-Петербург. 1992. Т 52. – 557 с.; Battye S. Craftsmanship in the country side. Journal of the Royal Society of Arts. Vol. 121, No. 5204 (July 1973), pp. 507-520. [https://www.jstor.org/stable/41371107?seq=1#page\\_scan\\_tab\\_contents](https://www.jstor.org/stable/41371107?seq=1#page_scan_tab_contents); Sennett R., The Craftsman, New Heaven-London, 2008, Yale University Press, – 36 p.; Mignosa A. Policies for Crafts: Rationale and Tools. A Cultural Economic Analysis of Craft, 2019. 56-p.; Mignosa A., Kotipalli P. A Cultural Economic Analysis of Craft. Switzerland. Springer Nature Switzerland AG. 2019. vii – 318 p.// Klamer A., Kotipalli P., Jiang L., Fjeldsted T., and Mignosa A. 2013. Herwaardering Ambachtscultuur Hoofdzaak. Stiching Economie en Cultuur, Erasmus University Rotterdam. <https://adoc.tips/herwaardering-ambachtscultuur-hoofdzaak.html>; Frater J. 2015. Valuing the Unique: Craft Traditions in the Contemporary Market. Keynote address for the International Textile and Apparel Association Annual Conference, November 2015.; Ehmer J. 2015. Artisans and Guilds, History of. International Encyclopedia of the Social & Behavioral Sciences: Second Edition. <https://doi.org/10.1016/B0-08-043076-7/02706-6>. 816-p.; Campanaa G., Cimattia B., Melosia F. A proposal for the evaluation of craftsmanship in industry. 13th Global Conference on Sustainable Manufacturing – Decoupling Growth from Resource Use. 2016. pp. 668-. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S2212827116001670>// Cimatti B., Campana G., Measures and methods for a new taxonomy in manufacturing enterprises, 2015, CIRP Procedia Volume 26, 287-292. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S2212827114008531>; Cominelli F. Arts and Crafts Policies: Heritage vs Economics in France. A Cultural Economic Analysis of Craft, 2019. – 318 p.; Bennett J. 2019. Crafts Policies in the UK. [https://www.researchgate.net/publication/333706662\\_Crafts\\_Policies\\_in\\_the\\_UK](https://www.researchgate.net/publication/333706662_Crafts_Policies_in_the_UK); Jiang L. 2019. Crafts in China. Springer International Publishing. <https://www.springerprofessional.de/crafts-in-china/16797678>.

С.Хидиров, Р.Алеуова, А.Туляганов, Х.Файзиев, Б.Усмонов, А.Рахматуллаева, Ў.Никбаев<sup>6</sup> ва бошқа олимларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган.

Ўзбекистон шароитида миллий ҳунармандчилик ва унинг ижтимоий-иктисодий жиҳатдан мазмун-моҳиятини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар бугунги кунда етарли эмас. Тарихий нуқтаи назардан тарихшунос олимлардан Т.Абдуллаев, Б.Фарманова, Р.Қиличев, А.Тўхтаев, О.Остонов, Б.Турганов, У.Қличев, Т.Абдуллаев, Г.Ҳайдаров<sup>7</sup> ва бошқаларнинг асарларида миллий ҳунармандчиликнинг муайян даврдаги тараққиёти, ижтимоий ҳаётдаги ўрни кенг кўламда ёритиб берилган. Шунингдек Р.Абдуллаева<sup>8</sup> ўз тадқиқотида ҳунармандчилик фаолиятини тадбиркорликни кенгайтириш орқали ривожлантиришнинг назарий асосларини такомиллаштириш масалаларида эътибор қаратган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида бу борада В.Бартольд, А.Якубовский, С.Бородин, Я.Нерсесев, Г.Пугаченко<sup>9</sup> ва бошқалар томонидан

<sup>6</sup> Тошкандий С. Темурнома. Тошкент. Чўлпон. 1991 йил, – 352 б.; Аҳмедов Б. 1. Амир Темур. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 1995. – 640 б. 2. Ўзбекистон тарихи манбалари (Қадимги ва ўрта асрлар). – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 352 б. 3. Амир Темур ўйтлари. – Т.: Ўзбекистон. 2007. – 29 б. 4. Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида. – Т.: Ўқитувчи. 1996. – 312 б.; Файзиев Т. 1. Темурийлар шажараси. – Т.: Ёзувчи, 1995. – 350 б. 2. Темурий маликалар. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти. 1994. – 26 б.; Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. – Т.: Фан. 1993. – 56 б.; Мухаммад Али. Амир Темур солномаси. Тошкент. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2008. – 52 б.; Азимов Э. Амир Темур салтанати. – Т.: Ф.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1996. – 88 б.; Мухаммаджонов А. Амир Темур ва Темурийлар салтанати. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1994. – 156 б.; Сайдкосимов С., Аҳмедов А., ва бошқ. Амир Тему жаҳон тарихида. – Т.: Шарқ, 2001. – 304 б.; Улжаева Ш.М. Амир Темур салтанатида миллий давлатчиликнинг ривожланиши: Тарих фанлари илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: ТКТИ, 2008. – 297 б.; Хидиров С. Амир Темур давлатининг ташкил топиши ва давлат тузуми. Юридик фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун дисс. – Т.: ТДЮИ, 2002. – 165 б.; Алеуова Р. Амир Темурнинг маърифий-тарбиявий қарашлари. Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т.: ТДПУ, 2006. – 143 б.; Туляганов А. Амир Темурнинг ўзбек давлатчилигининг ривожланишида тутган ўрни ва мавқеи. Юридик фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун дисс. – Т.: ЎРИИВА, 1996. – 150 б.; Файзиев Х.Т. Темурийлар салтанатида Шоҳруҳмизронинг ўрни ва унинг ташки сиёсати. Ўзбекистон тарихи ихтисослиги бўйича т.ф.н. илмий даражасини олиш учун дисс. – Т.: ТДШИ, 2011. – 176 б.; Усмонов Б.А. Амир Темур хаёти ва давлатчилик фаолиятининг Россия тарихшунослигига ёритилиши (ХVИИ-XX асрлар). Манбашунослик, тарихнавислик ва тарихий тадқиқот усуллари. Тарих фанлари илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: ФДУ, 2003. – 165 б.; Рахматуллаева А.Р. Ўзбекистонда Амир Темур хаёти ва фаолияти тарихшунослиги (1991-2009): Тарихшунослик ва тарихий тадқиқот усуллари т.ф.н. илмий даражасини олиш учун дисс. – Т.: ТДПУ, 2010. – 147 б.; Никбаев Ў. Амир Темурнинг ижтимоий-иктисодий қарашлари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун дисс. – Т.: ТДШИ, 1999. – 150 б.

<sup>7</sup> Абдуллаев Т.А. Ремесло Узбекистана XIX-XX вв. – Т.: Фан, 1976. – 40 с.; Фарманова Б.А. Ремесленное производство в Ферганской долине во второй половине XIX – начале XX века. Автореферат к.и.н. – Т., 1995. – 30 с.; Қиличев Р.Э. XII асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошида Бухоро шаҳрида ҳунармандчилик. Диссертация т.ф.н. – Бухоро, 1997. – 184 б.; Тўхтаев А.Д. Ўзбекистонда миллий ҳунармандчилик ва уни «социалистик» асосда саноатлаштаришнинг ижтимоий оқибатлари (1917-1941 йиллар). Автореферат т.ф.н. – Т., 2001. – 22 б.; Остонов О.А. Зарафшон воҳасидаги ҳунармандчилик, тадбиркорлик ва савдо-сотиқ (XIX аср охири – XX аср бошларида). Диссертация. т.ф.н. – Т., 2009. – 168 б.; Турганов Б.Қ. Хоразмнинг ўрта асрлардаги металlosозлик ҳунармандчилиги. Диссертация. т.ф.н. – Самарқанд, 2009. – 170 б.; Қиличев У.А. Ўзбекистонда миллий ҳунармандчиликнинг ривожланиши (1991-2006 й.). Автореферат т.ф.н. – Т., 2010. – 17 б.; Абдуллаев Т.П. XII-XV асрларда Хоразм ҳунармандчилиги. Диссертация т.ф.н. – Нукус, 2010. – 214 б.; Ҳайдаров Г.М. Ўзбекистонда миллий анъанавий санъатнинг совет ва мустақиллик даврида ривожланиши тарихи (Фарғона водийси ҳунармандчилиги мисолида). Диссертация. т.ф.н. – Т., 2011. – 162 б.;

<sup>8</sup> Абдуллаева Р.Г. Ҳунармандчилик фаолиятини тадбиркорликни кенгайтириш орқали ривожлантиришнинг назарий асосларини такомиллаштириш. Диссертация и.ф.н. – Т.: ТДИУ, 2019. – 165 б.

<sup>9</sup> Бартольд В.В. 1. Тамерлан – покоритель Азии. «Ломоносов» 2014, – 36 стр. 2. Тамерлан: эпоха, личность, деяния. – Москва: Наука, 1966, – 785 стр Якубовский А.Ю. 1. Самарканд при Тимуре и Тимуридах. – Ленинград, 1933. – 67 стр.; Бородин С. Звезды над Самаркандом. Книга 1. Хромой Тимур. Государственное

Амир Темур давлат бошқарувига келишидан аввал Чигатой улусида юз берган ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва этник ўзгаришлар, Амир Темур давлатининг маъмурий бошқаруви хусусида қисман фикр-мулоҳазалар билдириб ўтилган.

МДХ мамлакатларида Я.Абалкин, А.Магамедов, М.Андреас, Д.Гаврилов, И.Холод, В.Кутенков<sup>10</sup> ва бошқалар ҳунармандчиликнинг мазмун-моҳияти, унинг бозор иктисодиётида тутган ўрни, унинг иш билан бандликка таъсири ҳамда давлат томонидан тартибга солиш усулларига атрофлича эътибор қаратганлар.

Бироқ таъкидлаш лозимки, юқорида қайд этиб ўтилган муаллифларнинг асосий қисми тарихчи ва шарқшунос олимлар бўлиб, улар ҳунармандчиликнинг тадқиқига бир томонлама илмий-назарий жиҳатдан ёндашганлар. Шунга кўра, бу соҳани икки давр оралиғида ўзаро таққослаш, ҳозирги кунда мамлакатимизнинг мавжуд имкониятлари, жаҳон тажрибасидан фойдаланиш билан бирга Амир Темур ҳунармандчилик сиёсатининг самарали жиҳатларидан фойдаланишига қаратилган масалалар тизимли ҳолда ёритиб берилмаган ҳамда амалда қўллаш бўйича тавсиялар етарлича ишлаб чиқилмаган. Мазкур ҳолат диссертация ишида келтирилган мунозарали муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан тақдим этилган таклиф ва хуносаларнинг долзарблик даражасини янада оширади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тошкент давлат иктисодиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ФМ-1 «Ўзбекистонда макроиктисодий барқарорликни таъминлаш ва ижтимоий-иктисодий ривожланишин прогнозлашнинг илмий-методик асослари ва усулларини такомиллаштириш» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ҳунармандчилик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга иктисодий таълимотлар тарихига оид ёндашувлар асосида ҳозирги даврга йўналтирилган илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишидан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Амир Темур даврида ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантиришнинг шарт-шароитлари, ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш;

Амир Темур даврида ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантиришда самарали бошқарув, кадрлар сиёсати, ички ва ташқи савдо ҳамда дипломатик муносабатларнинг таъсирини тарихий манбалар асосида ёритиб бериш;

---

издательство Узбекской ССР. 1955. – 486 стр.; Нерссесов Я. Великий Тамерлан. «Сотрясатель вселенной». – 149 стр. [www.royallib.com](http://www.royallib.com); Пугаченко Г. Зодчество Центральной Азии. XV век. Ведущие тенденции и черты. – Т.: Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма, 1976. – 115 стр.

<sup>10</sup> Экономическая энциклопедия / пол. ред. Я.И. Абалкина. – М.: Экономика, 1999 – С. 678-679; Magamedov A.D. Традиционное художественное ремесло Дагестана, XIX-XX вв. Диссертация д.и.н. – Махачкала, 1999, – 402 стр.; Андреас М. Ремесленное производство и его особенности в рыночной экономике. Автореферат к.э.н. – Кострома, 2000. – 19 с.; Гаврилов Д.Е. Экономическая природа и особенности развития ремесленной деятельности. Автореферат к.э.н. – Екатеринбург, 2012. – 26 с.; Холод И.П. Развитие и совершенствование ремесленной деятельности как фактор повышения занятости населения. Автореферат к.э.н. – М., 2009. – 23 с.; Кутенков В.В. Правовое регулирование кредитования субъектов малого и среднего предпринимательства в современной России. Автореферат к.ю.н. – М., 2010. – 31 с.

хунармандчилик фаолиятининг мазмун-моҳияти, хусусиятларини тадқиқ этишнинг илмий-назарий асослари ҳамда уни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси ўрганиш;

хунармандчилик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари ва ривожланиш тенденцияларини аниқлаш;

хунармандчиликка оид давлат сиёсатининг ретроспектив жиҳатларидан фойдаланишнинг ўзига хос йўналишларини ишлаб чиқиш;

хунармандчилик фаолиятини ривожлантиришнинг ижтимоий масалалари ва уларни ҳал этиш йўлларини эконометрик моделлаштириш;

хунармандчилик фаолиятини самарали ташкил этиш омилларидан фойдаланишни такомиллаштириш йўналишларини ишлаб чиқиши.

**Тадқиқотнинг обьекти** сифатида хунармандчиликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича Амир Темур даври ҳамда ҳозирги даврдаги Ўзбекистондаги иқтисодий фаолият олинган.

**Тадқиқотнинг предметини** хунармандчилик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жараёнида юзага келувчи иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуслари.** Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, илмий абстракция, тарихийлик ва мантиқийлик, индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, корреляцион ва регрессион (OLM) таҳлил, SEM, SEM-Path, Latent (LCA) моделлари асосидаги таҳлил усуслари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

Амир Темур иқтисодий сиёсатида асосий хунармандчилик турларининг мамлакат иқтисодий қудратини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш ва ташқи иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш сингари хусусиятларига устуворлик қаратилганлиги ёритиб берилган ҳамда бугунги кунда давлат томонидан соҳани қўллаб-қувватлашнинг манзиллилик механизми қўл меҳнатига асосланган миллий-тарихий хунармандчилик фаолиятининг ўн турдаги баҳолаш мезонини жорий этиш орқали такомиллаштирилган;

хунармандчиликнинг ҳудудлар кесимида ижтимоий-демографик ҳамда миллий-тарихий хусусиятлари билан боғлиқ омилларни эътиборга олиб, «уй-устахона-дўкон» тизимидағи хунармандчилик лойиҳаларини давлат субсидиялари ва узоқ муддатли кредитлар орқали 50/50 нисбатда молиялаштириш таклифи асосланган;

хунармандлар янги авлодини тайёрлашни рафбатлантиришда «устоз-шогирд» анъаналарининг тарихий тенденциялари ҳамда меҳнатни ташкил этишнинг замонавий талабларидан келиб чиқсан ҳолда шогирд қабул қилишнинг амалдаги ёш (16 ёшгача) ва сон (10 нафаргача) жиҳатидан чекловларни бекор қилиш асосида миқдорий меъёрлар такомиллаштирилган;

хунармандчиликдаги бандликнинг ижтимоий-демографик хусусиятлари, жумладан, ёш ва жинс, моддий таъминланганлик даражаси, фаолият фаоллиги, шогирдлар сони, ҳудудий жойлашув ҳамда молиявий имкониятларнинг хунармандлар сони билан боғлиқлик моделлари асосида соҳа фаолиятининг 2025 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

## **Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:**

Амир Темур даврида ҳунармандчиликни ривожлантиришни тақозо этган шарт-шароитлар ва унинг ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилган, шунингдек, унинг фаолиятига доир тарихий манбалар ва илмий-тарихий асарлар, тадқиқотлар давр ва макон нуқтаи назаридан гурухланган;

Амир Темур давридаги ҳунармандчиликнинг асосий йўналишлари замонавий фан нуқтаи назаридан классификацияланган, ҳунармандчиликни ривожлантириш борасидаги ислоҳотларнинг иқтисодий мазмуни ёритиб берилган;

ҳунармандчилик лойиҳаларини молиялаштириш ҳамда зарур шарт-шаротлар яратиш ва ҳунармандчилик субъектларининг таркиби ўртасидаги корреляцион-регрессион боғлиқликнинг эконометрик моделлари ишлаб чиқилган;

республикада ҳудудлар кесимида ҳунармандчиликни ривожлантиришга доир ижтимоий сўровнома ўтказилиб, олинган натижалар бўйича эконометрик модель ва шу асосда таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Республика ва халқаро миёсдаги илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари ҳамда ОАҚ томонидан эътироф этилган миллӣ ва хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усусларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг тарихий ва расмий манбалар, жумладан Ўзбекистон Республикаси «Хунарманд» уюшмасининг статистик маълумотларидан олинганлиги ҳамда таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилганлиги ва олинган натижалар ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан иқтисодий ислоҳотларнинг ретроспектив тажрибаларидан ҳозирги замон амалиётида фойдаланиш, жумладан, ҳунармандчилик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда тартибга солишга оид назарий-методологик асосларни такомиллаштиришга бағишиланган маҳсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар ва амалий тавсиялардан республикада ҳунармандчилик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда тартибга солиш бўйича ишлаб чиқиладиган дастурий хужжатлар, соҳани самарали ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмууни ишлаб чиқиш ҳамда олий ўкув юртларида «Иқтисодиёт назарияси», «Тадбиркорлик асослари», «Иқтисодий таълимотлар тарихи», «Ўзбекистон миллӣ иқтисодиёти» фанларининг ўкув дастурларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ҳунармандчилик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва унинг ретроспектив жиҳатларидан фойдаланиш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

Амир Темур иқтисодий сиёсатидаги асосий ҳунармандчилик турларининг мамлакат иқтисодий қудратини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш

ҳамда ташқи иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш сингари хусусиятларига устуворлик беришнинг тарихий тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда бугунги қунда давлат томонидан соҳа фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг қўл меҳнатига асосланган миллий-тарихий хунармандчилик фаолиятини баҳолаш мезонларини жорий этишга асосланган манзиллилик механизмидан фойдаланиш таклифидан Ўзбекистон Республикасининг «Хунармандчилик фаолияти тўғрисида» қонун лойиҳасининг 11-модда. Халқ амалий санъати усталарининг Миллий каталоги ва Туризм соҳасида фаолият юритаётган хунармандлар Реестри; 15-модда. Хунармандчилик фаолияти йўналишлари сингари моддаларни ишлаб чиқишида фойдаланилган («Хунарманд» уюшмасининг 2020 йил 20 июлдаги 04-17/736-сон-маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши хунармандчилик фаолияти ташкилий-хуқуқий асослари такомиллашуви ва уларнинг иқтисодий ривожланиши учун қулай шарт-шароитларни таъминлашга имкон яратади;

хунармандчиликнинг ҳудудлар кесимида ижтимоий-демографик ҳамда миллий-тарихий хусусиятлари билан боғлиқ омилларни эътиборга олиб, «уй-устахона-дўкон» тизимидағи хунармандчилик лойиҳаларини давлат субсидиялари ва узоқ муддатли кредитлар орқали 50/50 нисбатда молиялаштириш таклифи Ўзбекистон Республикаси «Хунарманд» уюшмасининг фаолиятига жорий этилган («Хунарманд» уюшмасининг 2020 йил 20 июлдаги 04-17/736-сон-маълумотномаси). Натижада халқ амалий санъатининг анъанавий турларини тарғиб этувчи 21 та уй-музей ва музей-устахона ташкил этилган;

хунармандлар янги авлодини тайёрлашни рағбатлантиришда «устоз-шогирд» анъаналарининг тарихий тенденциялари ҳамда меҳнатни ташкил этишнинг замонавий талабларидан келиб чиқсан ҳолда шогирд қабул қилишнинг амалдаги ёш (16 ёшгача) ва сон (10 нафаргача) жиҳатидан чекловларни бекор қилиш асосида такомиллаштирилган миқдорий меъёрлардан фойдаланиш таклифи Ўзбекистон Республикасининг «Хунармандчилик фаолияти тўғрисида» қонун лойиҳасининг 2-модда. Асосий тушунчалар; 9-модда. Хунармандчилик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари сингари моддаларни ишлаб чиқишида қўлланилган («Хунарманд» уюшмасининг 2020 йил 20 июлдаги 04-17/736-сон-маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши хунармандчилик фаолиятининг ташкилий-хуқуқий асослари такомиллашуви ва уларнинг иқтисодий ривожланиши учун қулай шарт-шароитларни таъминлашга имкон яратади;

хунармандчиликдаги бандликнинг ижтимоий-демографик хусусиятлари, жумладан, ёш ва жинс, моддий таъминланганлик даражаси, фаолият фаоллиги, шогирдлар сони, ҳудудий жойлашув ҳамда молиявий имкониятларнинг хунармандлар сони билан боғлиқлик моделлари асосида ишлаб чиқилган соҳа фаолиятининг 2025 йилга қадар прогноз кўрсаткичларидан Ўзбекистон Республикаси «Хунарманд» уюшмасининг истиқболдаги ривожланиш дастурларини шакллантиришда фойдаланилган («Хунарманд» уюшмасининг 2020 йил 20 июлдаги 04-17/736-сон-маълумотномаси). Натижада мамлакатда

хунармандчилик фаолиятини истиқболда ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари ҳамда тегишли чора-тадбирларни ўзаро мувофиқлаштириш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг аprobацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий конференцияда муҳокама қилинган, жумладан, 2 та халқаро, 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганилиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган. шундан 1 таси халқаро «SCOPUS» базасидаги илмий журналда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, асосий ҳажми 155 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва илмий аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг республикада олиб борилаётган фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, обьекти ва предмети, унинг илмий янгиликлари ва амалий натижалари изоҳлаб берилган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганилиги, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳамда ҳажми бўйича маълумотлар берилган.


Диссертациянинг «Хунармандчилик фаолиятини ривожлантиришни тадқиқ этишнинг назарий-услубий асослари ва ретроспектив таҳлили» номли биринчи бобида Амир Темур даврида хунармандчилик фаолиятини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва тадқиқ этишнинг назарий-услубий асослари, хунармандчилик фаолиятини ривожлантиришда иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналишлари ҳамда хунармандчилик фаолиятининг мазмун-моҳияти ва хусусиятларини тадқиқ этишнинг илмий-назарий асослари ўрганилган.

Ўзбекистон халқлари ўз хунармандчилик санъати тарихида йирик босқичларни босиб ўтган бўлиб, ҳар бир босқич минтақавий хусусиятлари билан фарқланиб, маҳаллий анъаналарнинг янги асосларда, қўшилиш ва уйғунлашув услубларида тараққий этганлиги кузатилади<sup>11</sup>. Бу борада Амир Темур давлатнинг иқтисодий жиҳатдан равнақ топишини ғалабаларга олиб келувчи ҳарбий юришлар билангина таъминлаб бўлмаслигини унгача Марказий Осиёда ҳукмронлик қилган Чингизхон ва унинг ворисларидан фарқли ўлароқ яхши тушунган<sup>12</sup>. У яхши, ҳисоб-китобли ҳукмдор сифатида нафақат турли хил моддий бойликлар, балки унданда кўпроқ даражада мутахассислар: хунарманд, рассом, меъмор ва олимлар,

<sup>11</sup> Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Очерки искусства Средней Азии. Древность и средневековье. – М.: Искусство. 1982. – С. 4-5//Из истории античной культуры Узбекистана. – Ташкент: Издательство им. Гафура Гуляма. 1973. – С. 19-20.

<sup>12</sup> The Cambridge history of Iran. The Timurid and Safavid periods. Cambridge University Press. 1986. №6 – Р. 55-56

Мовароуннаҳрда бу каби мутахассислар етишмагани учун эмас, балки қанчалик маданий кучлар кўпайиб борса, шунчалик ҳунармандчилик фаолияти бойиши ҳамда санъат ва фаннинг юқори даражада ривожланишига ишонгани учун олиб келган<sup>13</sup>. Мазкур масалаларга унинг замондошлари билан бирга ижтимоий фанлар доирасида дунёning етакчи хорижий ва маҳаллий ёзувчи ҳамда олимлари ўз асарларида қисман бўлса-да тўхталиб ўтганлар<sup>14</sup> (1-расм).



**1-расм. Мавзуга доир илмий-тарихий манбалар муаллифларининг давр ва макон жиҳатидан гуруҳланниши<sup>15</sup>**

Ўз ўрнида даврий жиҳатдан гуруҳланган илмий-тарихий асарлар, тадқиқотларни макон ва ёзилиш услуби ҳамда жанри жиҳатидан гуруҳлаб, таҳлил қилиш, турли хил фикрларни фарқлаш ҳамда тадқиқот учун ёрдам берувчи манбаларни ажратиб олиш ҳамда бу доирада тадқиқот олиб борувчиларга сезиларли даражада ёрдам беради.

Манбаларга кўра, Самарқандга йигиб келтирилган ҳунармандларнинг сони 150 мингдан зиёд эди. Улар шаҳар ва қишлоқларга жойлаштирилиб, ҳунармандлар маҳаллалари ташкил этилган<sup>16</sup>. Ҳунармандларнинг ҳудудларда

<sup>13</sup> Якубовский А.Ю. Тамерлан, эпоха, личность, деяния. – М.: Гураш, 1992. 23-б.

<sup>14</sup> Gafurov U., Khamidova Z. Theoretical and methodological basis of research on the development of handicraft activity in the economic policy of Amir Temur. Jour of Adv Research in Dynamical & Control Systems, Vol. 11, Issue-07, 2019. 951-965 pp. <https://www.scopus.com/inward/record.uri?eid=2-s2.0-85088055641&partnerID=40&md5=bc63f6e655319c1948fbf53f132a7aff>.

<sup>15</sup> Олиб борилган тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

<sup>16</sup> Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар). – Т.: Ўзбекистон, 2010. 200-б.; Vambery A. Travels in Central Asia being the account of a journey from Teheran across the Turkoman desert on the Eastern Shore of the Caspian to Khiva, Bokhara, and Samarcand. London. John Murray, Albemarle street. 1864. -463 р.; Абдурахмонов К.Х. Мехнат иқтисодиёти назария ва амалиёт. Дарслар. – Т.: Фан. 2019. 50-б.; Нерсесов Я. Великий Тамерлан. «Сотрясатель вселенной». – 149 с.

жойлашуви ҳам фаолият юритиши хунармандчиликнинг тез суръатлар билан ривожланиб бориши ҳамда маълум бир турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашувига олиб келди<sup>17</sup>(2-расм).




**2-расм. Худудлар бўйича хунармандчилик турларига ихтисослашув<sup>18</sup>**

Шубҳасиз хунармандчиликнинг юксалиши қўп жиҳатдан ички ва ташқи савдонинг умумий ҳолатига боғлиқ. Шунинг учун ҳам Темур ва унинг ворислари мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутган тижоратчиликнинг кенгайишига алоҳида аҳамият берганлар. Натижада карvonлар қатнови жонланиб, ички савдо барқарорлашган (3-расм).

<sup>17</sup> Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар). – Т.: Ўзбекистон, 2010. 174-б.; Сайдқосимов С. (раҳбар), Аҳмедов А., Аҳмедов Б. ва бошқалар. Амир Темур жаҳон тарихида. Тошкент, 2001. 92-94 бетлар.; Абдураҳмонов Қ.Х. Мехнат иқтисодиёти назария ва амалиёт. Дарслик. – Т.: Фан. 2019. -592 б. 50-бет.

<sup>18</sup> Олиб борилган тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.



**3-расм. Амир Темурнинг хунармандчиликни ривожлантириш борасида амалга оширган ислоҳотлари<sup>19</sup>**

Хунармандчилик ва унинг ривожланиш тарихи, буғунги кундаги аҳамиятини ошириш билан боғлиқ турли тадқиқотларда турли хил мунозарага сабаб бўлувчи фикрлар мавжуд. Хунармандчилик фаолияти турларининг хилма-хиллиги сабабли ушбу тушунчанинг ягона, аниқ ва умумий таъриф ва тавсифини бериш қийин<sup>20</sup>. Буни «хунармандчилик фаолияти»га берилган таърифлардан ҳам кузатиш мумкин (1-жадвал).

<sup>19</sup> Олиб борилган тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

<sup>20</sup> Cominelli F. Arts and Crafts Policies: Heritage vs Economics in France. A Cultural Economic Analysis of Craft, 2019. 75-87 pp. 77-р.

## Хунармандчилик фаолиятига берилган таърифлар

<b>Муаллиф</b>	<b>Таъриф</b>
Ф.Брокгауз <sup>21</sup>	Хунармандчилик ишлаб чиқарувчи маҳсулотни у билан битта ижтимоий синфа мансуб шахслар иштирокида одатда буюртма асосида маҳаллий бозор учун чекланган микдорда ишлаб чиқариш тизими
Я. Абалкин <sup>22</sup>	Хунармандчилик маҳоратли уста томонидан қўл меҳнати билан, оддий дастгоҳлар ёрдамида юқори сифатли, кўпинча юқори бадиийликка эга маҳсулотларни ишлаб чиқаришдир
Т.Бичек <sup>23</sup>	Хунармандчилик фаолияти тадбиркорлик фаолиятидан фарқли равища жисмоний шахсларнинг меҳнат ва (ёки) фуқаролик-хукуқий шартномалари бўйича жалб қилинмай, мустақил равища амалга ошириладиган товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш, ишларни бажариш, хизматларни қўл меҳнати ва асбобларидан фойдаланган ҳолда амалга оширишдаги фаолиятидир
S.Battye <sup>24</sup>	Хунармандчилик индивидуал маҳоратни машқ қилиш қобилиятидир
R.Sennett <sup>25</sup>	Хунармандчилик кучли, асосийси инсоний ғайрат билан ўз ишини моҳирона бажаришга интилишдир
Н.Қодиров <sup>26</sup>	Хунармандчилик фаолияти – юридик шахс бўлмаган жисмоний шахсларнинг хунармандчилик буюмлари ёки товарлари (ишлари, хизматлари)ни ишлаб чиқариш бўйича фаолияти ҳисобланади
Р.Абдуллаева <sup>27</sup>	Хунармандчилик миллий анъаналар ва якка тартибдаги ижодиётни ўзида мужассамлаштирган, қўп жиҳатдан қўл меҳнатига асосланган юқори малакали меҳнат, у доимо ривожланувчи ва янги касбий йўналишлар ҳамда шаклларни яратувчи юқори технологик, ҳатто, инновацион ишлаб чиқаришнинг бир кўринишидир.

Шунингдек хунармандчиликнинг бошқа қўл меҳнатига асосланган фаолият турларидан фарқли ўлароқ, ўзига хос белгилари мавжуд бўлиб, маҳсулот ва хизматларни яратишида маълум бир устуворликлар билан бирга қатъий белгиланган ишлаб чиқариш принципларига риоя этишни тақозо этади. Хусусан, мамлакатимизда хунармандчилик йўналишларини белгилашда алоҳида мезонларни жорий этиш мақсадга мувофиқ (4-расм).

Юқоридаги фикр-мулоҳазалар ҳамда хунармандчиликнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда, хунармандчилик фаолиятига қуйидагicha таъриф бериш мумкин: хунармандчилик ижодий ва бадиий-миллий ёндашув, анъанавийлик сингари ўзига хос белги ва хусусиятларга эга, якка тартибда ёки кичик жамоа асосида ташкил этилувчи, юқори технологик ҳамда оммавий

<sup>21</sup> Брокгауз Ф А. Ефрон П. А Энциклопедический словарь. н 86 томах I. Санкт-Петербург, 1992. Т 52. – С. 557

<sup>22</sup> Экономическая энциклопедия / пол ред. Я.И. Абалкина. – М.: Экономика. 1999. – С. 678-679.

<sup>23</sup> Бычек Т.А. Ремесленная деятельность в Республике Беларусь. <http://advokat-bychak.by/remeslennaya-deyatelnost/>.

<sup>24</sup> Battye S.H.M. Craftsmanship in the country side. Journal of the Royal Society of Arts. Vol. 121, No. 5204 (July 1973), pp. 507-520. [https://www.jstor.org/stable/41371107?seq=1#page\\_scan\\_tab\\_contents](https://www.jstor.org/stable/41371107?seq=1#page_scan_tab_contents).


<sup>25</sup> Sennett R. The Craftsman, New Heaven-London, 2008, Yale University Press.

<sup>26</sup> Қодиров Н. Хунармандчиликни ривожлантириш йўлида.

[https://soliq.uz/uz/press\\_center/news/hunarmandchilikni-rivojlantirish-yo-lida/?phrase\\_id=1137066](https://soliq.uz/uz/press_center/news/hunarmandchilikni-rivojlantirish-yo-lida/?phrase_id=1137066).

<sup>27</sup> Абдуллаева Р.Г. Хунармандчилик фаолиятини тадбиркорликни кенгайтириш орқали ривожлантиришнинг назарий асосларини такомиллаштириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: ТДИУ. 2019. 13-14-б.

саноатлашган ишлаб чиқариш тавсифига эга бўлмаган моддий неъмат ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш кўринишидаги яратувчанлик фаолиятидир.



**4-расм. Миллий ҳунармандчилик йўналишларини белгилашнинг асосий мезонлари<sup>28</sup>**

Диссертациянинг «Хозирги даврда ҳунармандчилик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ҳолати» деб номланган иккинчи бобда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси таҳлил қилинган, шунингдек, бугунги кунда ҳунармандчилик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари, ҳунармандчиликнинг ривожланиш ҳолати ва таҳлили келтирилган.

Ҳунармандчилик фаолиятига муносабат ҳалқаро ташкилотларнинг ўзига хос хусусияти ва мақсадли ислоҳотларига кўра ўзаро фарқ қиласди. Масалан, ЮНЕСКО ва Ҳалқаро меҳнат ташкилоти (World Craft Council) фаолияти доирасидаги тафовутлар улар фойдаланувчи ҳунармандчилик тушунчаси тафовутини кўрсатади<sup>29</sup>.

Ҳунармандчиликнинг таърифи ҳақида икки томонлама талқин юзага келади:

1. Номоддий маданий мерос сифатидаги ҳунармандчилик.
2. Маданий ва ижодий саноат сифатидаги (Cultural and creative Industries – CCI) ҳунармандчилик.

Ўзбекистонда ҳам ҳунармандчилик фаолиятига саноатнинг маданий-ижодий соҳаси сифатида қаралиб, босқичма-босқич амалга оширилган ислоҳотлар натижасида мамлакатимизда 2000 йилдан 2015 йилгача «Ҳунарманд» уюшмаси аъзолари сони мунтазам ошиб борган (5-расм).

<sup>28</sup> Олиб борилган тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.


<sup>29</sup> <https://en.unesco.org/partnerships/non-governmental-organizations/world-crafts-council>; Mignosa A., Kotipalli P. 2019. A Cultural Economic Analysis of Craft. Switzerland. Springer Nature Switzerland AG. 5-6 pp.



5-расм. Ўзбекистон Республикасида хунармандлар сонининг 2000-2020 йиллардаги динамикаси<sup>30</sup>

2015 йилдан унинг кўрсаткичида пасайиш кузатилиб, 22141 кишини ташкил этган бўлса, 2016 йилда аъзолар сони кескин 12318 кишига камайиб, 9823 кишини, 2017 йилдан эса аъзолар сонининг ортиши кузатилди. Мазкур соҳанинг қайта ислоҳ қилингани бунга асосий сабаб ҳисобланади.

«Хунарманд» уюшмасига аъзо хунармандлар фаолиятини таҳлил қилишда уларнинг жинси, ёши ва ижтимоий ҳолати муҳим аҳамият касб этади. Уюшма томонидан қайд этилган статистик маълумотларнинг йиллар бўйича чекланганлигини ҳисобга олиб, 2016 йилдан жорий давргача сархисоб қилишга ҳаракат қилинди (6-расм).




6-расм. Хунарманд уюшмаси аъзоларининг таркиби бўйича маълумот<sup>31</sup>

<sup>30</sup> Республика «Хунарманд» уюшмаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

<sup>31</sup> Республика «Хунарманд» уюшмаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Хунармандлар таркибига эътибор берилса, асосий улушкини эркаклар ташкил этаётганлигини кузатиш мумкин ва уларнинг салмоғи мунтазам равишида ортиб борган. 2016 йилда ушбу соҳада жами 21470 та шогирдлар ва хунармандлар таркиби бўйича бандларни ташкил этган бўлса, 2018 йилда 47346 та, 2020 йилда эса 97514 тани ташкил этганини кузатиш мумкин. Бунда асосий иш ўринлари шогирдлар ҳисобидан яратилган.

Шу билан бирга, ҳозирги пандемия шароитида ахолининг ижтимоий ёрдамга муҳтоҷ ва вақтинчалик ишсиз юрган қатламини хунармандчилик фаолияти доирасида иш билан таъминлаш жуда муҳим ҳисобланади. Аҳолининг қайси қатламлари асосан хунармандчилик фаолиятининг меҳнат салоҳиятини ташкил этиши мумкинлигига алоҳида таҳлилий ёндашиш зарур (7-расм).



\*Изоҳ: пунктир чизиқлар – муаллиф лойиҳаси

**7-расм. Хунармандчилик фаолияти салоҳиятини ташкил этувчи аҳоли гуруҳлари ва уларни соҳага жалб этишини рағбатлантириш чора-тадбирлари тизими<sup>32</sup>**

<sup>32</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, бугунги кунга қадар ҳунармандчилик фаолияти асосан қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинмоқда. Ҳунармандчилик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатини қабул қилишининг аҳамиятли жиҳати шундаки, бунда:

ҳунармандчилик фаолияти билан боғлиқ тушунчалар: ҳунармандчилик фаолиятининг ўзи, ҳунармандчилик фаолияти субъектлари, ҳунарманд, шогирд, ҳунармандчиликни қўллаб-қувватловчи ташкилот ва бошқаларга аниқ таъриф бериш (2-жадвал);

## 2-жадвал

### Ўзбекистон Республикаси «Ҳунармандчилик фаолияти тўғрисида»ги қонуни лойиҳасига асосий тушунчалар бўйича таклифлар<sup>33</sup>

Амалдаги таҳрир	Таклиф этилаётган таҳрир	Асослаш
1. Ҳунармандчилик фаолияти – юридик шахс бўлмаган жисмоний шахсларнинг ҳунармандчилик буюмлари ёки товарлари (ишлари, хизматлари) ни ишлаб чиқариш бўйича фаолияти хисобланади	Ҳунармандчилик фаолияти (ҳунармандчилик) – қонунчиликда назарда тутилган йўналишлар бўйича тарихан шаклланган, миллӣй-анъаналар асосида, қўл меҳнати ва юқори саноатлашмаган технологик ва меҳнат қуролларидан фойдаланиб, бадиий-ижодий аҳамиятга эга маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти	Агар биз қонунчиликда ҳунармандчилик фаолияти турларидан қатъий назар жисмоний шахсларнинг ҳунармандчилик буюмлари ёки товарларини ишлаб чиқариш фаолияти хисобланади деган таъриф билан чеклансан, Ўзбекистонда барча қўл меҳнати устун бўлган ҳунар турларини ҳунармандчилик йўналишларига киритишига мажбур бўламиз. Лекин қонунчиликда асосан 34 та йўналиши ҳунармандчилик таркибиға киритилган. Шунинг учун Ўзбекистон шароитида асосан қонунчиликда назарда тутилган ҳунармандчиликка берилган тўғри таъриф мамлакатимизда фаолият юритаётган ҳунармандларни саралашга ва уларнинг алоҳида йўналишлар бўйича гурухларга бўлишига ёрдам беради
шогирд (ҳунарманднинг шогирди) – ўн олти ёшдан ошган, ҳунарманддан ҳунармандчилик буюмлари ёки товарлари (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш фаолиятини ўрганаётган жисмоний шахс	ҳунарманддан ҳунармандчилик маҳсулотлари (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш сир-асорларини ўрганаётган шахс	Ҳунарманд шогирдига таъриф беришда 16 ёшдан ошган деган чегарани кўйиш асосида таъриф бериш нотўғри, чунки ҳунармандчиликни ўзлаштиришда ёш масаласи алоҳида аҳамиятга эга ва ижтимоий сўровномаларимизда ҳунармандлар энг кичик ёш чегараси 6-8 ёш муносиб ёш деб баҳолаганлар. Бу таълимдан ажralмаган холатда ҳунар ўрганишга йўналтиришига ёрдам беради

ҳунармандчилик йўналишлари рўйхати, яъни, қонунда назарда тутиладиган фаолият турларига аниқлик киритиш;

давлат томонидан имтиёзлар қўллаш, ер ва дўкон ажратишда ҳунармандларнинг фаолият йўналиши ва ҳунар турининг ўзига хос хусусиятига

<sup>33</sup> «Ҳунарманд» уюшмаси маълумотлари ва тарихий манбалар асосида муаллиф томонидан тузилган.

